

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Гулнозахон Расулова

*Фарғона вилояти, Бувайда туманидаги
2- ВИДУМнинг олий тоифали она тили
адабиёт фани ўқитувчиси*

Аннотация: *Мазкур мақолада она тили таълимнинг бугунги бош мақсади-ўқувчиларга оғзаки ва ёзма саводхонликни ўргатиш орқали уларда мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш усуллари тадқиқ қилинди.*

Калит сўзи: *қадрият, ижодий фикр, илмий услуб, ҳикоя матн, муҳокама матн, тасвирий матн, таълим стандарти.*

Муҳтарам Президентимиз тўғри таъкидлаганидек, “Таълим соҳасининг яна бир энг асосий вазифаси бугунги кун учун зарур бўлган янги авлодни, илм-фан ва ўз ихтисослиги асосларини пухта эгаллаган, билимли ёшларни тарбиялашдан иборатлиги шубҳасиз. Шу билан бирга, аниқ фуқаролик позициясига эга бўлган, жамият, давлат манфаатларини ҳимоя қиладиган, халқ ҳаётидаги ўзгаришлар ва ислохотларда фаол қатнашадиган, замонавий ва кенг тафаккурли ёшлар авлодини шакллантириш вазифаси ҳам ниҳоятда муҳим, албатта.”⁵⁷ Мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим мактаблари она тили таълими тизимида, мустақил фикрлаш, фикр маҳсулини оғзаки ва ёзма равишда тўғри, равон ифодалаш, ўқувчиларда коммуникатив саводхонликни таъминлаш вазифаларининг Давлат таълим стандартлари асосида ташкил этилиши она тили ўқитиш методикаси олдида долзарб вазифаларни қўйди. Улар қуйидагилар:

1. Умумий ўрта таълим мактабларида она тили мазмунини такомиллаштириш, дарсликлардаги ўқув машқларини ўқувчида ижобий ўқув мотивларини ҳосил қилувчи лингвопсихологик топшириқлар даражасига кўтариш.

2. Лингвопсихологик ўқув топшириқлари, муаммоли воситаларни танлаш ва бажариш жараёнида ўқувчининг ўз хоҳиш – интилишлари, қизиқишлари, мустақилликлари устуворлигини таъминлаш.

3. Ўқувчи шахсини ўзи ва ўртоқлари нутқий фаолиятини мунтазам равишда танқидий назорат қилишга одатлантириш, унинг ўз нутқий – интеллектуал қобилиятини намойиш қилишга қаратилган субъектив-инстинктив ҳарактини қўллаб-қувватлаш.

4. Ўқувчига оғзаки ва ёзма нутқ жараёнида сўз ва ибораларни тўғри танлаш, уни нутқий вазият тақазосига кўра, ўринли ишлатиш кўникмаларини сингдириш в.ҳ.

⁵⁷ Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021., -Б.231-231.

Тил шундай мўътабар “неъматки”, у инсониятга тафаккур гулшанлари дарвозасини катта очиб берган, тенги йўқ робитаи оламиёндин.

Умумий ўрта таълим мактабларида она тили таълимининг асосий мақсади ўқувчиларнинг коммуникатив саводхонлик даражасини ошириш, уларни мустақил ва ижобий фикрлашга йўналтириш, фикр маҳсулини тўғри, равон, ўринли ифодалашга ўргатиш экан, уни амалга оширишнинг ишончли омилларидан бири – матн яратишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш, уни ўқув амалиётига изчил жорий этиш, ўқувчини муаммоли ўқув топшириқлари орқали изланиш ва кашф қилишга йўналтириш, ўқувчи луғат бойлигини кенгайтириш жараёнида нутқий фаолиятини шакллантириш, (сўзнинг луғавий маъноларини шарҳлаш) фикр ифодалаш (оғзаки нутқ ва матн яратиш)да сўзни таниб ва танлаб ишлатишни талаб қилувчи ўқув топшириқлари, нутқий маданиятни юксалтирувчи кўникма ва малакалар тизими билан қуроллантиришдир.

Бу муаммолар орасида ўқувчиларда мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантиришнинг интенсив – универсал технологиясини яратиш, ана шу мақсадга хизмат қиладиган, матн яратишнинг жадаллаштирилган, босқичли тизимини ишлаб чиқиш ва уни мактаб амалиётига жорий этиш масаласи алоҳида ўрин тутди. Ўқувчи сўз бойлигини оширишнинг, унинг нутқий заҳирасини бойитишнинг энг самарали усули сатҳлараро ҳамда фанлараро алоқадорликни йўлга қўйиш (ундош сўзлар устида ишлаш, берилган сўзнинг лексик – семантик қуршови: қайси сўзлар билан ишлатилиши, хусусий белгилари миқдорини аниқлаш, қайси сўз туркумлари билан ифодаланиши, уларнинг номлари сони, сифати, ҳолати, ҳаракатини белгилаш в.ҳ.)дан иборат. Демак, ўқувчи нутқий кўникмаларини такомиллаштиришнинг асосий омиллари тафаккур маҳсулини изчил, тўғри, равон ифодалаш, нутқий вазият талабига кўра мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантиришдир. Умуман олганда, ДТС талабларини тўла бажариш – ўқувчи коммуникатив саводхонлигини таъминлаш масаласи, она тили таълимида мустақил матн яратиш кўникмаларини шакллантириш технологиясини ишлаб чиқиш ва уни мунтазам равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади. Бунинг учун эгалланган билим, кўникма ва малакаларнинг жадал амалий татбиқи, яъни мустақил матн яратиш масаласи она тили дарсларида ўрганилаётган ҳар бир мавзунинг асосий мақсадига айланиши лозим. Матн яратишнинг мантиқий давоми – матн устида ишлаш билан эса матннинг тили, мантиқий ва услубий шаклланганлик даражаси ўрганилади, ўқувчининг коммуникатив саводхонлик даражаси эса, матн яратиш маҳоратини аниқлаш жараёнида ўз ечимини топади.

Она тилининг янги – янги ифода имкониятларини излаб топиш ва уни дарс жараёнига татбиқ этиш ўқувчиларнинг ижодий тафаккур, ҳодисаларни кузатиш, англаш, қиёслаш, анализ ва синтез, танлаш, гуруҳлаш, яратиш каби билиш қобилиятларини такомиллаштириб, уларда миллий мафкура, мустаҳкам эътиқод, миллий дунёқарашни таркиб топтиришга хизмат қилади. Турли тил ҳодисалари (сўз

ва ибораларни) маъносини тўлиқ англаш ва уни хусусий нутқда қўллашга интилиш – улардан нутқий вазиятга мосини танлаш ўз фикрини ихчам, аниқ ва равон ифодалаш малакаларининг шаклланиши ва ривожланишига замин яратади.

Ўқувчи -таълим- ўқитувчи тизимида томонларнинг ўзаро ҳамкорлик, субъект – субъект муносабатлари фаоллашади, ДТС талабларига кўра ўқувчи ҳам таълим жараёнининг фаол субъекти сифатида ўзи мустақил фаолият юритиши: изланиши, кузатиши, бажарилган ишни таҳлил қилиш, хулосалаши, баҳо бериши лозим бўлади.

Мактаб амалиётида матннинг тасвир, ривоя ва муҳокама каби баён усулларидан кўпроқ фойдаланилади. Бу усуллар ўртасида гарчанд аниқ чегара бўлмаса-да, аммо уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос хусусиятларга эга. Баённинг бу усуллари ҳам мазмуни, ҳам тузилиши, ҳам тилнинг ифода воситаларидан фойдаланиш жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Тасвирий матнда воқеада иштирок этадиган шахслар бўлмайди. Унда, асосан, табиат манзараси, алоҳида нарсалар (буюмлар) воқеа ва ҳодиса кабиларнинг ўзига хос ташқи белгиларига алоҳида эътибор берилади. Тасвирлаш кузатувчанлик билан боғлиқ. Шунинг учун ўзбек тили машғулотларида болаларни кузатувчанликка ўргатиш, нарса, воқеа-ҳодисалардаги энг муҳим белги ва хусусиятларни кўра билишга одатлантириш жуда катта аҳамиятга эга.

Баён усулининг иккинчи тури ривоядир. Ривоя матни тасвирий матндан, воқеанинг изчилликда берилганлиги, унда иштирок этувчи шахсларнинг борлиги, диологик нутқдан фойдаланиш кабилар билан ажралиб туради. Бундай матнларда воқеа-ҳодиса мазмуний яхлитликларни ташкил этади ва ўқувчи баёнида бу яхлитлик, албатта, сақланиш шарт. Матннинг бу турида далиллар ва уларнинг тафсилотига алоҳида ўрин ажратилади; воқеалар ҳикоя тарзида баён қилинади. Ривоя матнида тасвир унсурларидан ҳам фойдаланилади.

Ўзбек тили машғулотларида бундай матнлардан жуда кўп фойдаланишга тўғри келади. *“Бизнинг оила”*, *“Ёз кунларининг бирида”*, *“Дарвозабон”*, *“Раҳим касал бўлиб қолди”*, *“Менинг дўстим”* каби мавзуларда яратиладиган матнлар шулар жумласидандир.

Матнлар услуб жиҳатдан ҳам ранг-барангдир. Ўзбек тили машғулотларида бадий, публицистик, илмий ва расмий матнлардан фойдаланилади. Ҳар бир услуб маълум бир тил меёри талаб этади.

Бадий услубда ёзилган матнларнинг ўзига хос хусусияти уларда тасвирийлик ва таъсирчанликнинг кучлилигидир. Ўқувчи бадий матн яратишда табиат ва ижтимоий борлиққа нисбатан эркин муносабатда бўлади: унинг моҳиятини очиш учун турли-туман лексик бирликлар (кўп маъноли сўзлар, маънодош ва қарама-қарши маъноли сўзлар), тасвирий ифода ва фразеологик бирикмалар, адабий тилнинг тасвир воситалари: ўхшатиш, муболаға, кичрайтириш, жонлантириш кабилардан ўз имкониятига қараб бемалол фойдалана олади. Бадий матн ўқувчиларда бадий дидни шакллантиришнинг асосий воситасидир. Ўқувчи бундай матнлар орқали

гўзаллик ва нафосат оламига киради, ўз қувончи ва ташвишлари билан ўртоқлашади севимли қаҳрамонларига эргашади.

Шундай қилиб, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги доимий ишонч ўзаро ҳамкорлик фаолиятигина ўқувчиларда мавжуд бўлган мустақил ва ижодий тафаккурни қўзғатиши, матн яратиш кўникмаларини шакллантириши ҳамда ривожлантириши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021.
2. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури 2017-йил
ВМнинг 6-апрель 187-сонли қарори.
3. Абдулаҳатова Р., Юсупова Т., Досанов К. Тил таълимида узвийлик ва узлуксизлик.–Тошкент: 2008.
4. Асқарова М. ва бошқалар. Ўзбек тили практикуми.–Тошкент: 2006 (лотин).
5. Алмаматов Т., Ёдгоров Қ., Почаева Г. Ўзбек тили ўқитиш методикаси (методик қўлланма).–Жиззах: 2006.